

**IV SHO'BA**  
**MOLIYAVIY TECHNOLOGIYALAR SOHALARI MOLIYA BOZORINING KELAJAK LOKOMOTIVI SIFATIDA**

**БАНКЛАР ФАОЛИЯТИНИ МОЛИЯВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ОРҚАЛИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ**

**Азларова А.А.**  
ТДИУ "Банк иши ва инвестициялар"  
кафедраси профессори, и.ф.н., проф.

Ҳозирги кунла банк тизимида кўрсатилаётган хизматларни самарадорлигини оширишда молиявий технологиялрни кенг жорий қилиниши кузатилмоқда. Рақамли трансформация жарёnlарида молиявий хизматларни яхшилайдиган ва оптималлаштирадиган бу хилдаги технологиялар – "Финтех" (инг. "Fin Tech") деб аталувчи инновацион молиявий технологиялар ҳисобланади. Fin Tech ҳозирда таълим, чакана банк иши, маблағ тўплаш ва нотижорат ташкилотлари ва инвестицияларни бошқариш каби турли соҳа ва тармоқларни ўз ичига олади.

Шунингдек, банк тизимида молиявий технологияларга асосланган янги хизмат турларининг кўпайишига мижозлар ва ахолининг интернет тармоғи ҳамда мобил алоқадан кенг фойдаланаётганлиги туртки бўлмоқда.


Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси М.Нурмуратов "Ўзбекистонда молия хизматларини асосан банклар кўрсатади ва кўп ҳолларда молия соҳаси деганда ҳам банклар тушунилади. Шу боис молия хизматларининг оммабоплиги тўғрисида сўз юритганда, мен ушбу соҳадаги фаолиятни назарда тутаман<sup>161</sup> деб таъкидлайди.

Аҳоли томонидан молиявий хизматларга бўлган талабдан келиб чиқиб, банк хизматларини инновацион молиявий технологияларни жорий қилиш ҳисобига ривожлантириш самарали ҳисобланади.

Республикамиз банк тизимида банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, айниқса, ҳудудларда риоя этиш ҳамда молиявий очиқликни кенгайтириш, шунингдек, банкларда хизмат кўрсатиш маданияти ва ахолининг банк тизимига бўлган ишончини янада оширишда бир қатор муаммо ва камчиликлар кузатилди.

Республикамизда 2024 йил 1 январь холатига 35 та тижорат банки фаолият юритаётган бўлса, шундан, капиталида давлат улуши мавжуд банклар – 10 тани, бошқа банклар – 25 тани тани ташкил этади (1-расм).

<sup>161</sup> Молиявий оммабоплик – долзарб мавзу. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси М.Нурмуратовнинг Молиявий оммабоплик альянси сайтида эълон қилинган мақоласи. [https://cbu.uz/oz/press\\_center/reports/134775/](https://cbu.uz/oz/press_center/reports/134775/)



**1-расм. Тижорат банкларининг сони динамикаси ҳақида маълумот<sup>162</sup>**

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, 2024 йил 1 январда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан "Yevroosyo Banki" акциядорлик жамиятига лицензия берилган, бу Ўзбекистонда фаолият юритаётган банклар сони 36 тага етган<sup>163</sup>.

2023 йилнинг 1 декабрь ҳолатига тижорат банклари филиаллари – 696 тани, банк хизматлари қўрсатиш марказлари (хизмат оффислари ва мини-банклар) – 1796 тани, ҳамда туну-кун “24/7” режимида ишлайдиган банк шохобчалари – 3707 тани ташкил этган.

### 1-жадвал

**Муомалага чиқарилган банк пластик карталари, ўрнатилган тўлов терминаллари, банкоматлар ва инфокиосклар сони ҳамда тўлов терминаллари орқали амалга оширилган тўловлар тўғрисида маълумот<sup>164</sup>**

Сана	Муомалага чиқарилган банк пластик карталари сони (млн дона)	Ўрнатилган тўлов терминаллари сони (минг дона)	Ўрнатилган банкомат ва инфокиосклар сони (минг дона)	Тўлов терминаллари орқали амалга оширилган тўловлар суммаси (йил бошидан), млрд. сўм
01.01.2020 й.	20 547 366	392 361	9 203	71 020,2
01.01.2021 й.	25 775 662	438 410	11 800	81 000,0
01.01.2022 й.	27 105 785	433 384	12 940	111 137,0
01.01.2023 й.	34 195 648	434 018	20 379	177 671,0
01.01.2024 й.	46 205 950	429 334	26 655	254 719,1

<sup>162</sup> Расм Марказий банк маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишланган

<sup>163</sup> <https://cbu.uz/oz/credit-organizations/banks/head-offices/ao/yevroosyo-banki-aktsiyadorlik-zhamiyati/>

<sup>164</sup> Жадвал Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида ишланган

Тахлил қилинган даврда тижорат банклари филиаллари сони йилдан йилга камайиб борган бўлса, банк хизматлари кўрсатиш марказлари (хизмат оғислари ва мини-банклар) сони 2020 йилга нисбатан 746 тага кўпайган, ҳамда туну-кун “24/7” режимида ишлайдиган банк шохобчалари беш йил давомида 2805 тага ортган. Ушбу кўрсаткичларнинг қиёсий таҳлилидан кўриш мумкинки, ҳали мамлакатимизда аҳолини банк хизматлари билан қамраб олиш нуқтаи назаридан кўп ишлар амалга оширилиши керак.

Мазкур жадвалда миллий ва чет эл валютасида эмиссия қилинган банк пластик карталари, уларга хизмат кўрсатувчи ўрнатилган тўлов терминаллари, банкомат ва инфокиосклар сони, шунингдек тўлов терминаллари орқали амалга оширилган тўловлар суммаси динамикаси кўрсатилган. Муомалага чиқарилган банк пластик карталари сони 2024 йил 1 январь ҳолатига 46 205 950 минг тани ташкил қилиб, 2020 йилга нисбатан 25 658 584 минг тага кўп.

Аҳоли томонидан банк карталари қулай тўлов воситаси сифатида баҳоланиши, масофавий банк хизматларидан фойдаланиш кўламининг ошиб бораётганлиги, ўз навбатида, банк карталарига бўлган талабнинг ортиб боришига хизмат қилмоқда. Хусусан, 2023 йилда муомалага чиқарилган банк карталари сони 46 205 950 млн. донага етиб, 2020 йилга нисбатан 25 658 584 млн. донага кўпайиб, қарийб 2,2 фоизга ўсган. Ўрнатилган тўлов терминаллари сони 429 334 минг донага етган. Тўлов хизматларидан фойдаланувчиларига қулайлик яратиш мақсадида банк инфратузилмалари, туризм ҳамда бошқа объектларга ўрнатилган банкомат ва инфокиосклар сони 2020 йилга нисбатан 2,8 баробарга ошиб, 2024 йил 1 январь ҳолатига 26,6 мингдан ортиқни ташкил этган.

Рақамили технологияларни кенг қўллаган ҳолда банк ва тўлов хизматларидан фойдаланишда қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида жорий этилган масофавий биометрик идентификация қилиш тизими (Face ID) тобора оммалашиб бормоқда. Бугунги кунда мижозлар нафақат тўловларни онлайн режимида банкка бормасдан туриб амалга ошириш, балки банк ҳисобварақларини ҳам масофадан идентификация қилиш орқали очиш имкониятига эга бўлдилар.

## 2-жадвал

### **Масофавий банк хизматларидан фойдаланувчилар сони (минг та<sup>165</sup>)**

Сана	Жами	Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар	Жисмоний шахслар
01.01.2020 й.	10 153 458	691 008	9 462 450
01.01.2021 й.	14 571 094	822 518	13 748 576
01.01.2022 й.	20 203 384	968 580	19 234 804
01.01.2023 й.	30 000 914	1 157 045	28 843 869
01.01.2024 й.	44 099 600	1 339 609	42 759 991

<sup>165</sup> Жадвал Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида ишланган

Бу эса, мижозларга банк ва тўлов хизматларидан масофавий тарзда фойдаланиш имкониятини сезиларли даражада оширганлигини кузатишимиш мумкин.

2-жадвал маълумотларидан масофавий хизмат кўрсатиш каналларидан фойдаланувчи мижозлар сони йилдан йилга ортиб бораётганлигини кузатишимиш мумкин. Мамлакатимизда мобил ва интернет банкинг хизматларидан фойдаланувчилар сони 2020 йил 1 январ ҳолатига 10 153,458 минг тани ташкил этган бўлса, 2024 йил 1 январ ҳолатига бу кўрсаткич қарийб 4 баробарга ошибб, 44 099 600 минг тани ташкил этган.

Хулоса қилиб айтганда, банклар инновацион хизматлар ҳажмини оширишлари учун муентазам равишда янги ғоялар ва молиявий технологиялардан фойдаланишлари зарур. Бу эса, ўз навбатида тижорат банкларининг мобил технологиялар, яъни банкоматлар, интернет банкинг, мобил банкинг, смарт офислари ёрдамида банк хизматлари ва маҳсулотларини тақдим этиб даромадлиликни оширишга ва операцион харажатларни камайтиришга эришишига хизмат қиласи деб ҳисоблаймиз.

## **KORXONA MOLIYAVIY INVESTITSION PORTFELINI SHAKLLANTIRISHDA ZAMONAVIY PORTFEL NAZARIYALARINING TUTGAN O'RNI**

*Haydarov Humoyun Begmurod o'g'li  
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti doktaranti*

Hozirgi kunda korxonalarga yirik investitsiyalarni jalg qilish va ulardan samarali foydalanish kundan-kunga muhim ahamiyat kasb etmoqda. Bir vaqtning o'zida, sarmoyadorlar uchun investitsiya portfelini shakllantirish va uni to'g'ri ishlatish tobora dolzarb masalaga aylanmoqda. Muqobil portfel nazariyasi va uning moliya bilan o'zaro bog'liqlikdagi o'rni portfel nazariyasining kelib chiqishi bilan boshlanadi. Zamonaiviy portfel nazariyasi, sarmoyadorlarga matematik jihatdan asoslangan yondashuvni taklif qiladi va moliyaviy risklarni boshqaradi. Portfel nazariyalari sarmoyadorlarga risk bilan bog'liq bo'lgan xavf-xatarlarni oldini olishga yordam beradi. Albatda investorlar oldida 2 ta bir xil foya keltiradigan investitsion portfel turgan bo'lsa, investor xavf darajasi kamroq bo'lgan investitsion dasturni tanlaydi. Zamonaiviy portfel nazariyasida risk darajasini o'lchaydigan ko'pgina formulalar mavjud. William Sharp o'zining Sharp koeffitsientida risk darajasi va uning standart chetlanish bilan bog'liqligini ko'rsatib o'tgan.

$$\text{Sharp koeffitsienti} = \frac{R - R_f}{\sigma}$$

bu yerda: **R**-investitsiyadan kutilayotgan qaytim, **R<sub>f</sub>**- risk darajasi kam bo'lgan g'aznachilik obligatsiyalari, **σ**-standart chetlanish. Sharp koeffitsienti portfelning ortiqcha daromadini uning o'zgaruvchanligi o'lchoviga bo'lib, xavfga